

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАЎБАРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ МАСЛАХАТ УЧРАШУВИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Шавкат Мирзиёев  
Туркменистон Президенти Гурбангули  
Бердимухамедовнинг таклифи биноан  
5-6 август кунлари Туркменистондаги  
“Аваза” миллий сайёҳлик зонасида бўлиб  
ўтадиган Марказий Осиё давлатлари  
раўбарларининг навбатдаги Маслаҳат  
учрашувида иштирок этади.

Туркменистон Президенти раислигида ўтадиган тадбирда Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ҳам қатнашади.

Давлат раўбарлари 2019 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтган Маслаҳат учрашувида эришилган келишувларнинг амалга оширилиши натижаларини кўриб чиқадилар.

Кун тартибига минтақада барқарор ва изчил тараққиётни таъминлаш, савдони ривожлантириш, энергетика соҳасида шериклик учун қулай шароитлар яратиш, транспорт-коммуникация соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш, пандемияга қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва бошқа масалалар ҳам киритилган.

Ўзбекистон Президенти ўз нутқида дўстлик ва яхши қўшничилик, ўзаро ишонч ва кўмак муносабатларини янада мустақамлашга қаратилган қатор ташаббусларни илгари суриши, узоқ муддатли умумий манфаатларга асосланган минтақавий ҳамкорликнинг янги истиқболли йўналишларини баён қилиши кутилмоқда.

Саммит якунида кўп томонлама муҳим ҳужжатлар, шу жумладан, давлат раўбарларининг Қўшма баёноти қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Марказий Осиё давлатлари раўбарлари билан икки томонлама учрашувлар ўтказиши ҳам режалаштирилган.

Маслаҳат учрашуви дастури доирасида Марказий Осиё етакчи аёллари мулоқоти ва минтақа Иқтисодий форуми, миллий маҳсулотлар кўргазмаси, миллий таомлар фестивали ҳамда санъат усталарининг тантанали концерти ўтказилиши мўлжалланган.

Таъкидлаш жоиз, маслаҳат учрашувларини ўтказиш ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган эди.

Давлат раўбарларининг биринчи саммити 2018 йил март ойида Қозоғистон пойтахти Нур-Султонда, иккинчиси эса 2019 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтди.

ЎЗА

## Чемпион онаси:

# ЎҒЛИМНИНГ ҒАЛАБА ҚОЗОНИШИГА ИШОНГАНДИМ

Хабарингиз бор, оғир атлетикачимиз Акбар Жўраев Олимпиада ўйинларида икки йўналиш бўйича 430 килограмм тошни кўтариб, олимпиада рекордини янгилаган ҳолда олтин медаль соҳибига айланди.

Шу муносабат билан Жўраевлар оиласида катта тантана. Тошкент вилояти ва Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги масъуллари, кенг жамоатчилик вакиллари Олимпиада чемпиони бўлган Акбар Жўраевнинг онаси ва акасини кутлагани келди.

Бўстонлиқ тумани ҳокими Ж.Аҳмедов ушбу хонадонда меҳмон бўлиб, чемпионнинг онаси Ҳафиза Норметовани Президентимиз ва вилоят ҳокими номидан табриклаб, эсдалик совғаларини топширди.

Ҳамюртимиз А.Жўраев 1999 йил 8 октябрь куни Тош-



кент вилоятининг Бўстонлиқ тумани Сойлиқ қишлоғида туғилган. Ёшлигидан оғир атлетика бўйича ўсмирлар

ўртасидаги Осиё чемпиони бўлган акаси Азиз Жўраевга туғилган. Ёшлигидан оғир атлетика бўйича ўсмирлар

бийи Фарҳод Мирзажанов. Токио – 2020 Олимпиадасига Баҳром Мендибоев кўл остида тайёрланди.

– Хурсанд бўлдим, жуда ҳаяжондаман, – дейди спортчининг онаси Ҳафиза Норметова. – Аввало, давлатимиз ва Президентимиздан ёшларга шундай шароит яратиб бергани учун миннатдоримиз. Акбаржон ҳар доим Олимпиада чемпиони бўлишни мақсад қилар эди. Мен ўғлимнинг Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб, ғалаба қозонишига ишонган эдим. Мусобақадаги ҳар бир иштирокини ҳаяжон билан

кузатдим. Ҳозир қишлоғимизда байрам, барча табриклапти.

Таъкидлаш лозимки, А.Жўраев ўтган вақт давомида оғир атлетика бўйича кўплаб мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган. Хусусан, ёшлар ўртасида ўтган Осиё чемпионатида олтин медалга сазовор бўлган эди. Шу йилнинг ўзида Тошкентда ўтган U20 жаҳон чемпионатида эса кумуш медалга сазовор бўлди.

Абдулазиз МУСАЕВ,  
ЎЗА мухбири.



## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

### Чирой очди Қолгандарё чўллари

Вилоятнинг Қўқон атрофи туманлари ҳудудлари сув тақчил бўладиган экин ерлари сирасига киради. Вилоят 92-95 фоиз сувни четдан олади, чунки тоғлар жуда кам, борининг ҳам қори тез эриб кетади. Шу боисдан ҳар қатра сувни исроф қилмаслик, тежаб-тергаб фойдаланиш учун сувчилар тиним билишмайди. Сувчилар деганимизда вилоят сув тармоғи бўлган Сирдарё-Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасарруфига кирувчи барча тизим ирригаторлари, мелiorаторлари, сув истеъмолчилари уюшмаси мироблари ва бошқа кўплаб бошқарма, бўлим ва бўлимларнинг жамоалари тушунилади.

ДАВОМИ 2-САҲИФАДА >>



## НАМАНҒАН ВИЛОЯТИ

# Уйчида Африка туяқушлари

Марғуба Ўринова Уйчи тумани Қумтепа маҳалласида туғма юрак касаллиги билан туғилганда отаси Абдулҳодид ака онаси Мавлудахон аялар қизининг келажagini ўйлаб роса қайғуришганди. Йўқ, Марғуба улар ўйлаганчалик қийинчиликларга муроса қилиб яшайдиган фарзанд бўлиб чиқмади. Ёш боши билан кечирган синовли кунлар уни янада иродали, бардошли, курашувчан қилиб вояга етказди.



Мактабда яхши ўқиди. Кўп вақтини хунара эгаллашга сарф қилди. Турмушга чиқди, икки нафар қизалоқнинг онаси бўлди. Энди “оғзи ошга етиб”, бахтли ҳаёт кечира бошла-

нида турмуш ўртоғи Муҳаммадjon бевақт оламдан ўтди. Айримлар каби у бу ёзиқлардан нолиб ўтирмади. Томорқада кўк, сабзавот етиштирди. Онасининг ёнига кириб, ён-атрофда-

ги хонадон эгаларидан ёнғоқ сотиб олди. Уни қақиб, мағзини ажратди. Нави, ранги, дондорлигига қараб қолчаларга жойлади, Тошкент бозорларига олиб бориб сотди. Шу кўйи тадбиркорликнинг этагидан тутди. Тўйлар қилиб, қизларни узатди. Уч нафар набиранинг буви си бўлди. Рўзгор харажатларидан орттириб, анча-мунча маблағ йиғди.

Тадбиркорлик бобида кўзи анча пишиб қолган Марғуба ниҳоят қурилиш йўналишида фаолият олиб борадиган МЧЖга асос солди. Тажрибали қурувчи Азимжон Абдуолимов бошчилигида юз нафарга яқин ишсизларни ишли қилди. Наманган аэропорти, ихтисослашган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиалларида капитал таъмирлаш ишларини амалга оширди.

ДАВОМИ 2-САҲИФАДА >>

## Президент сайлови

# ИЛК НОМЗОД АНИҚ БЎЛДИ

Ўзбекистон Экологик партияси марказий кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда партиянинг навбатдан ташқари III съездини чақириш, съезднинг кун тартиби ҳамда унга делегатларни сайлаш меъёри, ҳудудий партия ташкилотлари конференцияларини ўтказиш ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Пленумда Янги Ўзбекистон тарихида илк бор янги сиёсий куч – Ўзбекистон Экологик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги иштирок этиши билан боғлиқ масала муҳокама қилинди.

Мамлакатда тобора долзарб бўлиб бораётган экологик муаммоларни ҳал этиш, жамиятда аҳолининг эътиборини экологик муаммолар ва уларнинг ечимига қаратиш, инсон саломатлигини асраш ва соғлом турмуш тарзини таъминлаш борасида жамият олдида турган ўта муҳим масалаларни ҳал этишни ўз зиммасига олган ҳолда партиянинг мазкур сайловда қатнашиши тўғрисида пленум қарори қабул қилинди.

Шунингдек, ушбу долзарб масалаларни ўзида ақс эттирган дастур билан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиши учун партия ўзининг бўлажак номзодини съезд муҳокамасига киритиш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Экопартиядан президентлик сайловида иштирок этиш учун партия раиси Нарзулла Обломуродов номзоди илгари сурилди. Партиянинг съездини жорий йил август ойининг охирида Тошкент шаҳрида чақириш бўйича қарор қабул қилинди.

Пленумда сўзга чиққан марказий кенгаш аъзолари, партия фаоллари бу масалада таклиф этилаётган номзод ҳамда унинг олдида турган муҳим вазифаларни бажаришда биргаликда ҳаракат қилиш лозимлиги бўйича таклифлар билдирди.

Ўзбекистонда сиёсий партиялар ва фуқаролар сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш учун барча зарур шароит яратилгани, Янги Ўзбекистондаги президент сайлови Сайлов кодекси асосида кўп партиявийлик, партиялараро эркин рақобат, очиқлик ва ошкоралик таъминлангани асосида ўтказилиши алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, пленумда Ўзбекистон Экологик партиясининг янги намунадаги рамзи тасдиқланди, партия марказий кенгаши таркибига ўзгартишлар киритилди. Кун тартибидagi масалалар бўйича ҳудудий партия ташкилотлари олдида тегишли вазифалар қўйилди. Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Экологик партияси марказий кенгаши пленуми тегишли қарорларни қабул қилди.

Нурилло НАСРИЕВ,  
ЎЗА мухбири.





